

Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазирининг  
2025 йил "23" июндаги  
180-сонли буйруғига  
илова

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,  
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР ИЛМИЙ-  
АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**“КУЙДИРГИ” НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ  
КЛИНИК ПРОТОКОЛ**

**ТОШКЕНТ 2025**

**“ТАСДИКЛАЙМАН”**  
**РИЭМИОНКИА ГМ директори**  
**Б.М.ГАДЖИЕВ**



2024 йил

## **“КУЙДИРГИ” НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛ**

**ТАШКЕНТ 2024**

## Мундарижа

“КУЙДИРГИ” НОЗОЛОГИЯСИНИНГ ДИАГНОСТИКАСИ ВА ДАВОЛАШ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛ .....	5
“КУЙДИРГИ” КАСАЛЛИГИ ПРОФИЛАКТИКА ВА РЕАБИЛИТАЦИЯСИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛ .....	43

**“КУЙДИРГИ” НОЗОЛОГИЯСИНИНГ  
ДИАГНОСТИКАСИ ВА ДАВОЛАШ БЎЙИЧА  
МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛ**

## 1. Кириш қисми.

### 1) Код(лар) КХК-10:

А 22.0	КХК-10 бўйича (A22) <i>Bacillus anthracis</i> чақирган Куйдирги:
	A22.0 – куйдиргининг тери шакли;
	A22.1 - куйдиргининг тери шакли;
	A22.2 – куйдиргини ошқозон-ичак шакли;
	A22.7 – куйдирги яраси билан септицемия;
	A22.8 – Куйдиргининг бошқа шакллари;
	A22.9 – аниқланмаган куйдирги.
<a href="https://icd.who.int/browse/2025-01/mms/ru#1321303663">https://icd.who.int/browse/2025-01/mms/ru#1321303663</a>	

**Протоколни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш санаси:** 2025 йил, қайта кўриб чиқиш санаси 2028 йил ёки янги асосий далиллар пайдо бўлганда. Тақдим этилган тавсияларга киритилган барча ўзгартиришлар тегишли ҳужжатларда эълон қилинади.

### **Ушбу клиник протокол ва стандартни ишлаб чиқишда масъул ташкилот:**

Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази

### **Асосий муаллифлар рўйхати:**

1. Таджиев Ботир Мирхашимович – Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази директори, т.ф.д., профессор;
2. Мирзажанова Донохон Баходировна – Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази етакчи илмий ходими, т.ф.д., доцент;
3. Ахмедова Муборахон Джалиловна – Тошкент тиббиёт академияси Юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси профессори, т.ф.д.;
4. Никифоров Владимир Владимирович – т.ф.д., профессор, РФ нинг ҳарбий фанлар академиясининг академиги, РФ Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий таълим Федерал Давлат бюджети муассасаси ҳисобланган “Н.И. Пирогов номидаги Россия Миллий тадқиқот тиббиёт университети” тиббиёт факультетининг юқумли касалликлар ва эпидемиология кафедрасининг мудури;
5. Мирзабаев Дилмурод Сабирович - Республика ўлатга қарши курашиш маркази эпидемиологик саволлари бўйича директор муовини, т.ф.н.;
6. Ташпулатова Шахноза Абдуллахатовна – Тошкент тиббиёт академияси Юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси доценти, т.ф.н.;
7. Каримова Мавлуда Турапжановна – Тошкент тиббиёт академияси Юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси доценти, т.ф.н.;
8. Имамова Ильмира Абдуллаевна - Тошкент тиббиёт академияси Юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси катта ўқитувчиси, т.ф.н.

9. Фарход Бахрамович Курбонбеков – Санитар-эпидемиологик назорат Бошқармасининг эпидемиология ва ўта хавфли инфекциялар бўлимининг бошлиғи
10. Атаходжиева Хуршида Абдуллахатовна - Тошкент тиббиёт академияси Юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси ассистенти

**Такризчилар:**

Косимов Илхомжан Асомович

ТошПТИ Юқумли ва болалар юқумли касалликлари, фтизиатрия ва пульмонология кафедраси профессори, т.ф.д., профессор.

Бургасова Ольга Александровна

РХДУ Эпидемиология ва фтизиатрия курсларини ўз ичига олган юқумли касалликлар кафедраси профессори, т.ф.д.

**Ташқи эксперт баҳолаш (ЖССТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида):**

....., т.ф.д.

ЖССТ эксперти, т.ф.д.

Клиник протокол 7 апрел 2023 йил 1-сон баённома билан онлайн-форматда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, Ўзбекистон инфекционистлар ассоциацияси аъзолари, соғлиқни сақлаш ташкилотчилари (РИЭМЮПКИАТМ филиаллари директорлари ва муовинлари), регионал юқумли касалликлар хизмати шифокорлари иштирокида ишчи гуруҳнинг якуний йиғилишида норасмий консенсусга эришиш орқали муҳокама қилинди ва тасдиқлаш учун тавсия этилди.

Ишчи гуруҳ раҳбари – РИЭМЮПКИАТМ директори т.ф.д. Таджиев Б.М.

Мазкур клиник протокол ва стандарт Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазир ўринбосари Баситханова Э.И, Тиббий суғурта бошқармаси бошлиғи Ш. Алмарданов, клиник протоколлар ва стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўлими бошлиғи Ш.Р. Нуримова бошчилигида, клиник протоколлар ва стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўлими бош мутахассиси Г. Джумаева ва етакчи мутахассиси Н.Рахимовалар томонидан мутахассисларининг ташкилий ва услубий кўмагида ишлаб чиқилган.

**Қисқартмалар рўйхати:**

АҚБ	Артериал қон босими
ДНК	Дезоксирибонуклеин кислота
ОИТ	Ошқозон – ичак тракти
ИТШ	Инфекцион токсик шок
ИФТ	Иммунофермент таҳлили
УҚТ	Умумий қон таҳлили
УПТ	Умумий пешоб таҳлили
БҚТ	Биохимик қон таҳлили
ИФР	Иммунофлюоресценция реакцияси

БГАР	Билвосита гемагглютинация реакцияси
УТТ	Ультратовуш текшируви
ШО (ЕФ)	Шиш омили
ЛТ (LF)	Летал токсин
ДИД	Далилларнинг ишончилилик даражаси
РКТ	Рандомизацияланган клиник тадқиқотлар
ТИК (ДВС)	Тарқалган интраваскуляр коагуляция
МНС	Марказий нерв системаси
БТА	Бирламчи тери аффекти
ХПН (МНН)	Халқаро патентланмаган номи
СТИ	Санитар-техник институт (1940-1942)

### Протоколдан фойдаланувчилар:

Умумий амалиёт шифокорлари, терапевтлар, тез тиббий ёрдам шифокор/фельдшерлари, инфекционистлар, анестезиолог-реаниматологлар, педиатрлар, невропатологлар, тиббиёт ОТМ клиник ординаторлари, магистрантлар, докторантлар.

Ушбу протокол барча жойларда соғлиқни сақлаш амалиётига қўйдиришни ташхислаш ва даволашнинг замонавий усуллари жорий этиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

### Ушбу нозологиядаги беморлар тоифаси:

Қўйдири билан касалланган беморлар

**Далилларга асосланган тиббиётга таянган ҳолда, исботланганлик даражасининг шкаласи.**

**Диагностика усуллари (диагностик аралашувлар) учун далилларнинг ишончилилик даражаларини баҳолаш шкаласи**

ДИД	Расшифровка
1	Референс усулидаги назорат билан бажарилган тадқиқотларни тизимли шарҳлаш ёки мета-таҳлилни қўллаган ҳолда рандомизацияланган клиник тадқиқотларни тизимли шарҳлаш
2	Референс усулидаги назорат билан бажарилган яқка тадқиқотлар ёки алоҳида рандомизацияланган клиник синовлар ва мета-таҳлилни қўллаган ҳолда рандомизацияланган клиник синовлардан ташқари ҳар қандай дизайндаги тадқиқотларни тизимли шарҳлаш
3	Референс усулида кетма-кет назорат қилинмаган тадқиқотлар ёки ўрганилаётган усулдан мустақил бўлмаган референс усулида ўтказилган тадқиқотлар ёки рандомизацияланмаган қиёсий тадқиқотлар, шу жумладан когорт тадқиқотлар
4	Таққосланмаган тадқиқотлар, клиник ҳолат тавсифи
5	Фақатгина таъсир механизмининг асосланиши ёки экспертлар фикрлари мавжуд

**Профилактик, даволаш ва реабилитацион аралашувлар учун далилларнинг ишончилилик даражаларини баҳолаш шкаласи**

ДИД	Расшифровка
1	Мета-таҳлилни қўллаган ҳолда РКТ тизимли шарҳлаш
2	Алоҳида РКТ ва мета-таҳлилни қўллаган ҳолда РКТдан ташқари ҳар қандай дизайндаги тадқиқотларни тизимли шарҳлаш
3	Рандомизацияланмаган қиёсий тадқиқотлар, шу жумладан когорт тадқиқотлар

4	Таққосланилмаган тадқиқотлар, клиник ҳолат ёки ҳолатлар сериясининг тавсифи, “ҳолат-назорат” тадқиқотлари
5	Аралашувнинг фақатгина таъсир механизмини асосланиши (клиникагача бўлган тадқиқотлар) ёки экспертлар фикрлари мавжуд

**Профилактик, диагностик, даволаш ва реабилитацион аралашувлар учун тавсияномаларнинг ишончлилиқ даражаларини (ТИД) баҳолаш шкаласи**

ТИД	Расшифровка
А	Кучли тавсиянома (барча кўриб чиқиладиган самарадорлик меъзонлари (оқибатлар) муҳим, барча тадқиқотлар юксак ёки қониқарли услубий сифатга эга, уларнинг ўрганиладиган оқибатлар бўйича ҳулосалари изчил ҳисобланади)
В	Шартли тавсиянома (кўриб чиқиладиган самарадорлик меъзонлари (оқибатлар) нинг барчаси ҳам муҳим эмас, барча тадқиқотлар юксак ёки қониқарли услубий сифатга эга эмас ва/ёки уларнинг ўрганиладиган оқибатлар бўйича ҳулосалари изчил эмас)
С	Кучсиз тавсиянома (тегишли сифат даражасидаги далиллар йўқ, барча кўриб чиқиладиган самарадорлик меъзонлари (оқибатлар) муҳим эмас, барча тадқиқотлар қониқарсиз услубий сифатга эга ва уларнинг ўрганиладиган оқибатлар бўйича ҳулосалари изчил эмас)

## 2. Асосий қисм

### 2.1. Кириш

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра ҳар йили дунё бўйлаб 2000 дан 20 000 гача куйдирги касаллиги (шу жумладан ўлим ҳолатлари) қайд этилади ва уларнинг кўпчилиги ривожланаётган давлатларда кузатилади. Куйдирги – бу ўткир инфекция касаллиқ бўлиб, интоксикация, тери, лимфа тугунлари ва ички органларнинг сероз-геморрагик яллиғланиши билан характерланади; асосан тери, кам ҳолларда ўпка, ичак ва септик шаклларда кечади. Куйдиргининг замонавий ареали Осиё, Африка ва Жанубий Американинг кўплаб мамлакатларини қамраб олган. Россиянинг ҳам ҳар жойида, барча ҳудудларида куйдирги ўчоқлари мавжуд. Россия Федерациясида 35 мингдан ортиқ куйдирги бўйича ноқулай аҳволдаги стационар муассасалар мавжуд бўлиб, уларнинг 1/5 қисми Сибирда жойлашган [1, 2, 3].

Ўзбекистон Республикасида 2019-2021 йиллар куйдирги билан касалланиш даражаси 100 000 аҳолига 0,1 ҳолат даражасида ўзгаришсиз қолди, 2022 йилга келиб эса ушбу кўрсаткич 0,23 ҳолатгача кўтарилди [4].

Бутун дунёда *B.anthraxis* билан зарарланиш ҳолатлари камайган бўлсада, унинг спораларини табиатда узоқ вақт давомида сақланиб қолиши ва касалликни летал оқибатлари уни жамоат саломатлиги соҳасида ташвишга соладиган энг муҳим зооноз касалликка айлантиради [5]. Касалликларни назорат ва профилактика қилиш Марказлари (CDC) маълумотларига кўра, куйдирги “А тоифага” мансуб бўлган энг юқори устуворликдаги биотеррористик агентлар қаторига киради [6].

Куйдирги кўзгатувчисининг – *Bacillus anthracis* биологик хусусиятлари ноёб ҳисобланади. У капсула ҳосил қилади ва фақатгина хўжайин организмидагина экзотоксин ишлаб чиқаради, бу унинг бошқа спорали аэроблардан қиёсий фарқи бўлиб хизмат қилади. *B.anthraxis* капсуласи глютамин кислотасининг декстроротацион изомеридан ҳосил бўлган полипептиддан иборат бўлиб, у биологик жиҳатдан инерт ва протеазаларни парчаловчи таъсирига чидамли, экзотоксини эса типик экзотоксинларга хос бўлган АВ тузилмани шакллантормай, 3 та алоҳида компонентни ўз ичига олади. Ушбу нотоксик компонентлар протектив антиген сифатида – РА, ўлим омили – LF ва шиш омили – ЕF деб белгиланади. Нишон хужайра юзасида РА ва LF ни кўшилиши натижасида ўлим токсини – LT, РА ва ЕF – шиш токсини - ЕТ ҳосил бўлади. Споранинг мавжудлиги кўзгатувчига ўн йиллаб тупроқда сақланиши ва табиий офатлар ёки техноген фалокатларида ер тагидан чиқиб, фаоллашиб, яна қайтадан касаллик келтириб чиқариш имконини беради, бу эса куйдиргининг долзарблиги ва унга нисбатан доимий эҳтиёткорлик зарурлигини кўрсатади [7, 8, 9].

Куйдирги кўзгатувчиси спорасининг ташқи муҳит таъсирларига ўта чидамлилиги, унинг ташқи муҳитда тирик сақланиб қолишида катта аҳамиятга эга. Тупроқда бир неча 10 йиллаб сақланиши мумкин. Споралар +70°С да бир неча соат, қайнатилганда 60 дақиқада ўз чидамлилигини йўқотади. Автоклавда 2 атмосфера босими остида 2 соатда ўлади. Куйдирги спораларининг ташқи муҳит таъсирига ўта чидамлилиги куйдирги спораларини тупроқда бир неча ўн йиллаб сақланиши, одам ва ҳайвонларни куйдирги касаллиги билан касалланишига катта хавф туғдиради. Тупроқда споранинг қанча яшаши халигача тўлиқ ўрганилмаган, айрим маълумотларга кўра, 60 – 70 йилдан 200 йилгача яшаши мумкин. Споралар микроорганизмларнинг нафақат ҳаётлигини, балки унинг касаллик чақирувчи ва ўлим ҳолатини келтириб чиқариши мумкин бўлган вирулентлигини сақлайди [8, 9].

Куйдирги касаллиги билан деярли барча ҳайвонлар, шу жумладан уй ҳайвонларидан йирик ва майда шохли ҳайвонлар, отлар, эшаклар, туялар ва бир қатор ёввойи ҳайвонлар касалланади. Тупроқ қишлоқ хўжалик ҳайвонлари учун касаллик кўзгатувчиси манбаи бўлиб хизмат қилади. Споралар ўтхўр ҳайвонлар организмига овқатланиш жараёнида тушиб, вегетатив шаклга айланади ва бу ҳайвон организмида куйдирги касаллигини келтириб чиқаради. Одамлар учун касаллик кўзгатувчисининг асосий манбаларига уй ва қишлоқ хўжалик ҳайвонларидан йирик ва майда шохли моллар, от, туялар киради. Уларнинг организмлари кўзгатувчининг кўпайиши ва тур сифатида ҳаётини давом эттириш учун қулай табиий шароит ҳисобланади. Касаллик одамдан-одамга юкмайди. Одам организмига кўзгатувчи касаллик манбаидан касаллик

омиллари орқали тушади. Уларга куйдирги споралари билан зарарланган сув, хом ашёларни қайта ишловчи корхоналарнинг чиқинди сувлари, тупроғи ва чиқиндиси ҳамда ташқи муҳитнинг турли объектлари, ҳайвонларни парваришлашда кўзғатувчилар билан ифлосланган анжомлар киради [7].

## **2.2. Таъриф:**

Куйдирги (ёмон сифатли карбункул, антракс, пустила, малигна, мато терувчилар касаллиги, жун сараловчилар касаллиги) – ўткир юқумли сапрозооноз ўта хавфли инфекция касаллик бўлиб, оғир интоксикация, иситма, септицемия, терида ўзига хос бўлган яранинг пайдо бўлиши ва камдан-кам ҳолатларда ичак ва ўпка шаклларида намоён бўлади. Ушбу касаллик билан барча турдаги қишлоқ хўжалик ҳайвонлари, ёввойи ҳайвонлар ва одамлар касалланади. Касалликнинг халқаро қабул қилинган номи Anthrax – “кўмир, карбункул”, касалликнинг тери шаклида кузатиладиган кўмирдек қора рангли куйдирги қорақўтири тавсифига кўра берилган [10].

## **2.3. Таснифи**

### **I. Куйдиргининг маҳаллий шакли:**

- тери шакли (яралли).
- 1) карбункулли,
- 2) эдематоз (синоним - шиш),
- 3) буллез (синонимлари - эризипеллоид, сарамассимон)
- орофарингеальная

### **II. Куйдиргининг тарқалган шакли:**

- ингаляцион шакли (ўпка зарарланиши устунлиги билан, ўпка шакли)
- гастроинтестинал шакли (ошқозон-ичак тракти зарарланиши устунлиги билан, ичак шакли)
- менингеал, менингоэнцефалитик (мия пардалари ва мия тўқимасининг зарарланиши устунлиги билан)
- висцерал (органлар тизимининг зарарланиш белгиларисиз септик)

### **III. Куйдиргининг инъекцион шакли**

### **IV. Куйдиргининг бошқа шакллари**

**Куйдиргининг тарқалган шакли бирламчи ва иккиламчи бўлиши мумкин (маҳаллий шаклнинг асорати сифатида).**

#### **Оғирлик даражасига кўра:**

- енгил
- ўрта оғир
- оғир

## Асоратларнинг ривожланишига кўра:

1. Асоратсиз
2. Асоратланган:
  - инфекцион-токсик шок
  - ТИК (ДВС)-синдроми
  - ўпка шишиши
  - бошқалар

### 3. Ташхис усуллари, ёндашувлар ва амалиётлар

#### 3.1. Ташхисот мезонлари

- <https://diseases.medelement.com/disease/%D1%81%D0%B8%D0%B1%D0%B8%D1%80%D1%81%D0%BA%D0%B0%D1%8F-%D1%8F%D0%B7%D0%B2%D0%B0/14811>
- [https://www.msmanuals.com/ru/professional/%D0%B8%D0%BD%D1%84%D0%B5%D0%BA%D1%86%D0%B8%D0%BE%D0%BD%D0%BD%D1%8B%D0%B5-%D0%B1%D0%BE%D0%BB%D0%B5%D0%B7%D0%BD%D0%B8/%D0%B3%D1%80%D0%B0%D0%BC%D0%BF%D0%BE%D0%BB%D0%BE%D0%B6%D0%B8%D1%82%D0%B5%D0%BB%D1%8C%D0%BD%D1%8B%D0%B5-%D0%BF%D0%B0%D0%BB%D0%BE%D1%87%D0%BA%D0%B8/%D1%81%D0%B8%D0%B1%D0%B8%D1%80%D1%81%D0%BA%D0%B0%D1%8F-%D1%8F%D0%B7%D0%B2%D0%B0#%D0%9A%D0%BB%D0%B8%D0%BD%D0%B8%D1%87%D0%B5%D1%81%D0%BA%D0%B8%D0%B5-%D0%BF%D1%80%D0%BE%D1%8F%D0%B2%D0%BB%D0%B5%D0%BD%D0%B8%D1%8F\\_v1005892\\_ru](https://www.msmanuals.com/ru/professional/%D0%B8%D0%BD%D1%84%D0%B5%D0%BA%D1%86%D0%B8%D0%BE%D0%BD%D0%BD%D1%8B%D0%B5-%D0%B1%D0%BE%D0%BB%D0%B5%D0%B7%D0%BD%D0%B8/%D0%B3%D1%80%D0%B0%D0%BC%D0%BF%D0%BE%D0%BB%D0%BE%D0%B6%D0%B8%D1%82%D0%B5%D0%BB%D1%8C%D0%BD%D1%8B%D0%B5-%D0%BF%D0%B0%D0%BB%D0%BE%D1%87%D0%BA%D0%B8/%D1%81%D0%B8%D0%B1%D0%B8%D1%80%D1%81%D0%BA%D0%B0%D1%8F-%D1%8F%D0%B7%D0%B2%D0%B0#%D0%9A%D0%BB%D0%B8%D0%BD%D0%B8%D1%87%D0%B5%D1%81%D0%BA%D0%B8%D0%B5-%D0%BF%D1%80%D0%BE%D1%8F%D0%B2%D0%BB%D0%B5%D0%BD%D0%B8%D1%8F_v1005892_ru)
- <https://www.cdc.gov anthrax/hcp/antibiotics/index.html>
- <https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC10046981/>

#### 1) Шикоятлар ва анамнез, шу жумладан эпидемиологик анамнез:

### Яширин даври

Бир неча соатдан 8 кунгача давом этади, аммо кўпинча 2-3 кунни ташкил қилади ва кўзгатувчининг юқиш йўли ҳамда инфицирловчи дозасига боғлиқ. Контакт механизм билан юққанида тери шакли юзага келиб, инкубацион даври 2-14 суткани ташкил қилади, аэроген ёки алиментар юққанида эса – тарқоқ шакли ривожланади, бунда инкубацион давр бир неча соатгача қисқариши мумкин. Аэрозол инфицирланишнинг айрим ҳолатларида инкубацион давр бир неча ойгача чўзилиши ҳам мумкин.

### Бошланғич давр

## Тери шакли

*Карбункулёз шакли* – кўзгатувчининг кирган жойида диаметри 1-3 мм бўлган, хашорот чақишига ўхшайдиган оғриқсиз макула пайдо бўлади, кейин папула ҳосил бўлади, сўнг папула марказида ўлчамлари 2-3 мм бўлган, сероз суюқлик сақлаган пуфакча (везикула) пайдо бўлади, уни суюқлигининг ранги тезда тўқлашади ва қонли тус олади. Доғ пайдо бўлган вақтдан бошлаб пустила ҳосил бўлгунга қадар 12-24 соат ўтади, бу даврда кучли қичишиш ва ачишиш қайд этилади. Кейинчалик туби тўқ-жигарранг бўлган, четлари кўтарилган ва сероз-геморрагик ажралмали яра ҳосил бўлади. Бир суткадан сўнг яранинг диаметри 8-15 мм.га етади ва қизил рангли ёстикчасимон яллиғланиш ҳошияси билан ўралган, ранги кўмирни эслатувчи карбункул ҳосил бўлади. Ушбу ҳошияда маржон ёки тож кўринишида иккиламчи (қиз) пуфакчалар жойлашади, улар ёрилганда ёки жароҳатланганда яра кенгайиб, катта ўлчамларга етади. Атрофдаги тўқималарнинг яққол гиперемияси ва шишишига ҳам қарамай, айниқса юздаги локализацияларда, яра соҳасида сезгининг камайиши ёки буткул йўқолиши характерлидир.

*Эдематоз шакли* – касалликни бошланиш даврида кўринарли карбункулни йўқлиги, тери ости клетчатканинг яллиғлинишли инфильтрацияси ва оғриқсиз зич шиш пайдо бўлиши билан характерланади. Жароҳатланган жойда тери таранг ва ялтироқ бўлиб қолади, кейинчалик у ерда турли ўлчамдаги пуфакчалар пайдо бўлади, уларнинг ўрнида эса қорақўтирга айланувчи некроз зонаси ҳосил бўлади. Шу вақтдан бошлаб жароҳатланган майдон катта ўлчамдаги одатий куйдирги карбункулига ўхшаб қолади, унинг атрофида юмшоқ, желатинсимон (дилдиороқсимон) консистенцияли шиш пайдо бўлади. Унинг чегаралари аста-секин соғлом тўқималарда йўқолиб боради, устидаги териси эса рангпар ёки кўқарган рангга киради. Шиш соҳасига бармоқ билан уриш дилдиороқсимок тебранишга олиб келади (Стефанский симптоми).

*Буллез шакли* – инфекциянинг кириш дарвозасининг жойида карбункул ўрнига пуфакчалар ёки геморрагик суюқлик сақлаган пуфаклар ҳосил бўлади. Улар тезда катталашади, кейин ёрилади, некрозланиб, яранинг юзасида куйдирги карбункулига ўхшаш ҳамда унга аналогик тарзда қора пўстлоқ билан қопланади. Баъзида касаллик енгил кечиши мумкин, бунда терида сарамасга ўхшаш қизариш пайдо бўлади. Кўпинча девори нозик бўлган, катталиги турлича, оқиш пуфаклар кўплаб ҳосил бўлади, пуфаклар тиниқ суюқлик билан тўлган бўлади. 3-4 кундан сўнг улар ёрилади, аммо чуқур некроз ҳосил бўлмайди. Пўстлоқ деярли тез пайдо бўлади, яра чандиқ ҳосил қилмай битади.

*Эризипелоид шакли* – терида сарамас каби қизариш пайдо бўлади. Кўпинча шаффоф суюқлик билан тўлдирилган, турли ўлчамдаги, юпқа деворли, кўп сонли окпар пуфаклар юзага келади. 3-4 кундан кейин улар чуқур некроз шакллантирмаган ҳолда ёрилади. Бирок, бу ҳолатда қорақўтирлар жуда тез ҳосил бўлади, яраларнинг битиши эса чандиқланишсиз кечади.

### **Тарқалган ёки септик шакл (қўйдирғи сепсиси)**

Тез бошланади – иситма 39-40°C гача кўтарилади, кучли қалтираш, интоксикация белгиларининг яққол намоён бўлиши, бош оғриши, тахикардия, юрак тонларининг бўғиқлашиши ва авж олиб борувчи гипотензия кузатилади. Тарқалган шаклда кўпинча ўпка ва ичаклар зарарланади (ўпка ва ичак шакли). Касаллик авж олганидаги клиник кўриниши бир хил: оғир ҳолат, геморрагик тошмалар, эс-хушнинг хиралашиши ёки йўқолиши, талвасалар, баъзан кўзғалиш, менингоэнцефалит белгилари. Касалликнинг терминал босқичида тана ҳароратининг нормадан пастга тушиб кетиши, ИТШ ривожланиши, ацидоз, ўткир қон-томир етишмовчилиги, буйрак, буйрак усти беzi, шунингдек полиорган етишмовчилик ва ТИК-синдроми (геморрагик тошмалар, милклар қонаши, бурундан, ошқозондан, бачадондан қон кетиш) қайд этилади. Тана ҳароратининг пасайиши ва бемор субъектив аҳволининг сохта яхшиланишидан бир неча соат ўтгач ўткир коллапс белгилари билан ўлим юзага келади.

### **Ингаляцион (ўпка зарарланиш устунлиги билан, ўпка шакли):**

Юқори ҳарорат, қалтираш, конъюнктивит (гиперемия, кўз ёш оқиши, ёруғликдан кўрқиш), катарал белгилар (аксириш, тумов), кўкрак қафасида оғриқ, хансираш, цианоз, тезда желесимон (малинасимон желе) кўринишга ўтиб қолувчи, қонли-кўпикли балғамли йўтал, тахикардия. Беморлар аҳволи оғир, АҚБ пасаяди. Ўпка устида кўплаб турли калибрдаги нам хириллашла, сусайган нафас, плевра ишқаланиш шовқини ва перкутор товушнинг қисқариши эшитилади. Даволанганда ҳам 90% ҳолатларда касалликнинг 2-4 кунда ўпка шишиши ва инфекцион-токсик шок белгилари билан беморлар ўлади.

### **Гастроинтестинал шакли (ошқозон-ичак тракти зарарланиши устунлиги билан, ичак шакли)**

Қоринда ўткир ханжарсимон оғриқ, юқори тана ҳарорати, қалтираш, қонли қайт қилиш ва қонли ич кетиш. Қорин дамланган, пальпацияда оғриқсиз, перистальтика сусайган ёки йўқолган, ичак тутилаши белгилари билан ичаклар парези; эҳтимол қорин парда таъсирланиш симптомлари, баъзан ичаклар перфорацияси ва геморрагик перитонит ривожланиши ҳам мумкин. Жигар ва талоқ катталашмайди. Бир вақтнинг

Ўзида оғиз-ҳалқумнинг зарарланиши – шиш, фарингит, дисфагия, лимфаденит, шунингдек нафас етишмовчилик белгилари ҳам кузатилиши мумкин. Яралар ҳам оғиз бўшлиғида, ҳам ҳалқумда жойлашиши мумкин. Касалликни кечиши ўта оғир.

#### **Куйдиргининг орофарингеаль шакли**

ҳалқумнинг яллиғланиши, дисфагия, оғриқсиз регионар лимфаденит, икки тарафлама бўйиндаги шиш, бўйин лимфаденити ва ўткир нафас етишмовчилиги каби клиник белгилар кузатилиши.

#### **Менингеал, менингоэнцефалитик (мия пардалари ва мия тўқимасининг зарарланиши устунлиги билан)**

ўткир бошланиб, тана ҳароратини юқори даражага кўтарилиши, кучли бош оғриқ, бўйин соҳасида оғриқ, бўйин мускулларини тиришиши, талваса, руҳий ҳолатни ўзгариши, бош – мия нервларини фалажи, мускулларни тиришиши, тортилиши, мувозанатни бузилиши ва ҳушини йўқотиш каби клиник белгилар билан кечиши.

#### **Куйдиргининг инъекцион шакли**

нисбатан яқинда Шимолий Европада героин гиёҳванд моддаларини истеъмол қилувчилар орасида аниқланган. Ушбу турдаги инфекциянинг пайдо бўлиши Қўшма Штатларда ҳеч қачон хабар қилинмаган. Симптомлар баъзида куйдиргининг тери шаклига ўхшайди, аммо инфекция терининг остида ёки *B. anthracis* спораларини ўз ичига олган препаратнинг дозаси юборилган мушакда жойлашиши мумкин. Касалликнинг бу шакли тарқалган шаклга ўтишга мойил бўлиб, ўлим кўрсаткичлари юқори бўлади.

#### **2) Касаллик анамнези:**

- инкубацион давр 1 дан 14 кунгача (ўртача 5-7 кун);
- касалликнинг ўткир бошланиши;
- тана ҳароратининг кўтарилиши;
- умумий ҳолсизлик;
- тери жароҳатларининг пайдо бўлиши (бирламчи тери аффектлари).

#### **3) Эпидемиологик анамнез:**

- [https://translated.turbopages.org/proxy\\_u/en-ru.ru.0965bf36-669640fb-de33926e-74722d776562/https/www.cdc.gov/mmwr/volumes/72/rr/rr7206a1.html](https://translated.turbopages.org/proxy_u/en-ru.ru.0965bf36-669640fb-de33926e-74722d776562/https/www.cdc.gov/mmwr/volumes/72/rr/rr7206a1.html)
- <https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC10046981/>

#### **Маиший-контакт:**

- А** - Спораларни касалланган ҳайвонни парвариш қилганда, мол сўйганда, гўштга ишлов берганда, касалланган мол териси, мўйна маҳсулотлари, жун, шунингдек

	тери билан ишлаганда, касалланган ҳайвонлар кўмиладиган жойларда қишлоқ хўжалик ишлари олиб борилганда жароҳатланган тери ва шиллик пардаларга тушиши орқали юқиши; - Қурилиш, суғориш ва ҳар хил қишлоқ хўжалик ишларини амалга ошириш жараёнида зарарланган тупроқ билан мулоқот;
<b>А</b>	<b>Озиқ-овқат (алиментар):</b> - Озиқ-овқат орқали юқиши (зарарланган ҳайвон гўшти истеъмол қилинганда).
<b>А</b>	<b>Ҳаво-чанг (аэроген):</b> - Инфицирланган чанг ва суяк уни билан нафас олганда.
<b>А</b>	Куйдирги касаллиги бўйича нохуш стационар ҳудудларда яшаши, айниқса қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини куйдирги касаллиги билан касалланиши;
<b>А</b>	Куйдирги касаллиги касбий тусга эга бўлиб, ушбу касалликка чалинган ҳайвонлар билан мулоқотда бўлиш, ҳайвон хомашёлари, касал ҳайвон парвариши билан шуғулланиш ва уни мажбурий сўйиш, гўштини майдалашда иштирок этиш, калла – почаларни ва ошқозон – ичакларини тозалаш, ўлган молни кўмиш, гўшт ва гўшт маҳсулотларини майдалаш, улардан овқат тайёрлаш, мажбурий сўйилган, куйдирги касаллиги билан касалланган мол гўштини истеъмол қилиш, гўшт билан мулоқотда бўлиш, жуни териси ва бошқа маҳсулотлари билан мулоқотда бўлиши;
<b>А</b>	Қурилиш, суғориш ва ҳар хил қишлоқ хўжалик ишларини амалга ошириш жараёнида зарарланган тупроқ билан мулоқот;
<b>А</b>	Куйдирги қўзғатувчиси билан зарарланган материаллар билан ишлаш.

## 3.2. Физикал текширув

### 3.2.1. Локал шакли

<b>Д</b>	Интоксикация синдроми: иситма 38-40°С гача, қалтираш, бош оғриши, ҳолсизлик, АҚБ пасайиши
<b>В</b>	Регионар лимфаденит ва лимфангиит: лимфа тугунларининг катталашиши, зичлашиши ва ўртача оғриқ, ўчоқ яқинида лимфа томирларининг катталашиши
<b>А</b>	Карбункул (шаклланиш босқичлари): қизғиш-кўкимтир доғни марказида везикуласи бўлган папулага ўтиши. Везикуланинг таркиби тезда қонга айланади. Везикула ўз-ўзидан ёрилиб, туби тўқ-жигарранг бўлган яра ҳосил бўлади, у қизил ёстиқчали яллиғланиш тизмаси билан ўралган, оғриқсиз зич қорақўтирга айланади. Ёстиқчасимон яллиғланиш ҳошиясида маржон ёки тож кўринишида иккиламчи (қиз) пуфакчалар жойлашади, улар ёрилганда ёки жароҳатланганда яра кенгайиб

	катталашади.
<b>В</b>	Тўқималар шишиши: Атроф тўқималарнинг яққол шишиши, айниқса юз ва бўйинда жойлашганда.
<b>А</b>	Ўчоқ соҳасида оғриқ ва терининг қичишиши: Яра соҳаси ва атрофдаги тўқималарда оғриқ ва тери қичишишининг йўқлиги.
<b>В</b>	Терининг эдематоз ўзгаришлари: касалликнинг бошида кўринарли карбункулни йўқлиги, тери ости клетчаткасининг яллиғланишли инфильтрацияси ва зич оғриқсиз шиши ҳосил бўлиши. Кейинчалик тери таранг, ялтироқ бўлиб қолади, турли ўлчамдаги пуфакчалар пайдо бўлади, уларнинг ўрнида эса қорақўтирга айланувчи некроз зонаси ҳосил бўлади (катта ўлчамдаги карбункул). Унинг атрофида юмшоқ, желатинсимон (дилдироқсимон) консистенцияли шиш пайдо бўлади.
<b>А</b>	Стефанский симптоми: Шиш соҳасига бармоқ билан уриш дилдироқсимок тебранишга олиб келади.
<b>В</b>	Терининг эризипеллоид ўзгаришлари: терининг сарамас каби қизариши, шаффоф суюқлик билан тўлдирилган, турли ўлчамдаги, юққа деворли, кўп сонли оқпар пуфакчаларнинг юзага келиши. Улар чуқур некроз ҳосил қилмай ёрилади.

### 3.2.2. Ингаляцион (ўпка зарарланиш устунлиги билан, ўпка шакли)

<b>Д</b>	Инттоксикация синдроми: Кескин ифодаланган, иситма 38-40°C, қалтираш, бош оғриши, ҳолсизлик, АҚБнинг пасайиши, тахикардия.
<b>В</b>	Катарал синдром: Аксириш, ҳалқум гиперемияси ва томоқ оғриғи, тумов, кучайиб боровчи йўтал.
<b>В</b>	Конъюнктивит: Конъюнктива гиперемияси, кўз ёш оқиши, ёруғликдан кўркиш.
<b>А</b>	Бронх-ўпка тизимидаги бузилишлар: кўкрак қафасида оғриқ, ҳансираш, цианоз, тезда желесимон (малинасимон желе) кўринишга ўтиб қолувчи, қонли-кўпикли балғамли йўтал, аускультацияда ўпка устида кўплаб турли калибрдаги нам хириллашлар, нафас сусайиши эшитилади, эҳтимол плевра ишқаланиш шовқини ва перкутор товушнинг қисқариши. Ўткир нафас етишмовчилигининг кучайиб бориши.

### 3.2.3. Гастроинтестинал шакли (ошқозон-ичак тракти зарарланиши устунлиги билан, ичак шакли)

<b>Д</b>	Инттоксикация синдроми: Кескин ифодаланган, иситма 38-40°C, қалтираш, бош
----------	---

	оғриши, ҳолсизлик, АҚБнинг пасайиши, тахикардия.
<b>A</b>	Гастроинтестинал синдром: қоринда ҳанжарсимон оғриқлар, кўп маротаба қонли қайт қилиш ва қонли ич кетиши. Пальпацияда қорин дамланган, аммо оғриқсиз, перистальтика сусайган ёки йўқолган, ичак тутилиши белгилари билан ичаклар парези, эхтимол геморрагик перитонит оқибатида қорин парда таъсирланиш симптомлари бўлиши мумкин.
<b>D</b>	Жигар ва талоқ катталашмаган.
<b>B</b>	Оғиз-ҳалқумдаги ўзгаришлар: яра, шиш, фарингит белгилари, дисфагия ва лимфаденит ривожланиши мумкин.

### 3.2.4 Тарқалган шакли

<b>D</b>	Интоксикация синдроми: Кескин ифодаланган, иситма 39-40°C, қалтираш, бош оғриши, ҳолсизлик, АҚБнинг пасайиши, тахикардия, юрак тонларининг бўғиқлашиши ҳамда прогрессирувчи гипотензия.
<b>A</b>	Аҳволи оғир, геморрагик тошма, ҳушсиз, талваса баъзида кўзгалувчанлик, менингоэнцефалит симптомлари, ИТШ, ацидоз, қон айланиши, буйрак усти бези, буйрақларнинг ўткир етишмовчилиги, полиорган етишмовчилик, ДВС-синдроми

### 3.2.5. Орофарингеаль шакл

<b>A</b>	Фарингит, дисфагия, оғриқсиз регионар лимфаденит, бўйин тери ости клеткасини икки томонлама шиши ҳамда ўткир нафас етишмовчилиги белгилари
----------	--

### 3.2.6. Куйдиргининг инъекцион шакли

<b>A</b>	яра терининг остида ёки <i>B. anthracis</i> спораларини ўз ичига олган препаратнинг дозаси юборилган мушакда жойлашган бўлади. Тарқалган шаклга ўтади.
----------	--

### 3.2.7. Менингеал, менингоэнцефалитик (мия пардалари ва мия тўқимасининг зарарланиши устунлиги билан)

<b>A</b>	тана ҳароратини юқори даражага кўтарилиши, кучли бош оғриқ, бўйин соҳасида оғриқ, бўйин мускулларини тиришиши, талваса, руҳий ҳолатни ўзгариши, бош – мия нервларининг фалажи, мускулларни тиришиши, тортилиши, мувозанатни бузилиши ва ҳушини йўқотиш.
----------	---

## Клиницистлар учун асосий маълумотлар

- <https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC10046981/>
- <https://www.cdc.gov anthrax/hcp/antibiotics/index.html>
- Ҳар бир шубҳали ҳолат юзасидан дарҳол тўлиқ клиник ва лаборатор анамнез еғиб олинг.
- Эпидемиологик анамнез спектридан ҳабардор бўлинг – тананинг очиқ, химояланмаган қисмидаги яранинг локализацияси, асосан қўл ва билакларда, юзда, бўйинда ва касалланган бемор билан контакт.
- Тери шаклида: яранинг метаморфози: доғ (1 кун) → папула (2-3 кун) → везикула (3-4 кун) → геморрагик сақламали пустиула → яра (5-7 кун) → қалок (8-10 кун). Шуни инобатга олинги, яранинг туби оғриқсиз, Стефанский симптоми мусбат бўлади.
- Ўпка шаклида кўкрак қафасидаги оғриққа, ҳансираш, цианоз, тезда желесимон (малина желеси) кўринишига келиб қоладиган, қон-кўпикли балғамли йўталга, аускультацияда ўпкадаги кўп сонли турли калибрдаги нам хириллашларга, нафас сусайишига, эҳтимол плевра ишқаланиш шовқини ва перкутор товушнинг қисқаришига эътибор қилиш лозим. Ўткир нафас етишмовчилигининг авж олиши кузатилади.
- Ичак шаклида клиник белгилар спектридан ҳабардор бўлинг, қориндаги ханжарсимон оғриқлар, кўп мартали қонли қайт қилиш ва қонли ич кетиши. Пальпацияда қорин дамланган, аммо оғриқсиз, перистальтика сусайган ёки йўқолган, ичак тутилиши белгилари бўлган ичаклар парези, эҳтимол геморрагик перитонит ривожланиши оқибатида қорин парда таъсирланиш симптомлари кузатилиши мумкин.

## Тавсиялар

- <https://www.cdc.gov anthrax/hcp/antibiotics/index.html>
- <https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC10046981/>
- Куйдиргига шубҳа қилинганда шошилишч эксперт клиник маслахатини ташкил қилиш учун зудлик билан инфекцион хизмат ходимлари билан боғланинг.
- Беморни мажбурий изоляция қилиш;
- Хлораминни 0,5% ли эритмасидан фойдаланган ҳолда нам тозалаш;
- Ўпка шакли билан касалланган беморга хизмат кўрсатувчи тиббиёт муассасаларида ходимлар, таркибига бир марталик халат, ниқоб, кўзойнак, химоя экрани, резина қўлқоплар ва қалпоқча кирадиган биологик химоя кийимларида ишлашлари зарур. Тери шакли билан касалланган беморга хизмат кўрсатувчи тиббиёт муассасаларида ходимлар, таркибига бир марталик халат, ниқоб, резина қўлқоплар ва қалпоқча кирадиган биологик химоя кийимларида ишлашлари зарур.

- Ёдда тутинг, куйдиргининг тери шакли одамдан одамга ЮҚМАЙДИ. Куйдирги ташхиси қўйилган шахсларга нисбатан стандарт эҳтиёт чоралари қўлланилиши керак. Куйдирги споралар билан тўғридан-тўғри бевосита контакт ёки улар билан нафас олиш орқали тарқалиши МУМКИН. Ўқитилмаган, ҳимояланмаган ходимлар куйдирги споралари билан ифлослангани маълум бўлган ёки шубҳа қилинган ҳудудга киришлари ёки буюмлар ёхуд жиҳозлар билан тўғридан-тўғри алоқа қилишлари мумкин эмас, токи ҳудуд зарарсизлантирилгунига қадар.

### 3.3. Лаборатор текширувлар

А	<p><b>Маиший-контакт:</b></p> <p>- Спораларни касалланган ҳайвонни парвариш қилганда, мол сўйганда, гўштга ишлов берганда, касалланган мол териси, мўйна маҳсулотлари, жун, шунингдек тери билан ишлаганда, касалланган ҳайвонлар кўмиладиган жойларда қишлоқ хўжалик ишлари олиб борилганда жароҳатланган тери ва шиллиқ пардаларга тушиши орқали юқиши.</p>
А	<p><b>Озиқ-овқат (алиментар):</b></p> <p>- Озиқ-овқат орқали юқиши (зарарланган ҳайвон гўшти истеъмол қилинганда).</p>
А	<p><b>Ҳаво-чанг (аэроген):</b></p> <p>- Инфицирланган чанг ва суяк уни билан нафас олганда.</p>

#### Асосий лаборатор диагностика:

- <https://studfile.net/preview/7901205/page:3/>

А	<p><b>Бактериоскопик:</b> Куйдирги клиник белгилари бўлган беморларда нозологияни аниқлаш учун касалхонага ётқизилган куни текширилади</p>
А	<p><b>Бактериологик:</b> Куйдирги клиник белгилари бўлган беморларда нозологияни аниқлаш учун дастлабки 3 суткада текширилади</p>
А	<p><b>Биологик:</b> Куйдирги клиник белгилари бўлган беморларда нозологияни аниқлаш учун дастлабки 10 суткада текширилади</p>
А	<p><b>Серологик (РИФ, РНГА, ИФА) куйдирги антиген ва антителоларини аниқлаш:</b></p> <p>Куйдирги клиник белгилари бўлган беморларда нозологияни аниқлаш мақсадида.</p>
А	<p><b>Молекуляр-генетик усул (ПЗР):</b> Куйдирги клиник белгилари бўлган беморларда нозологияни аниқлаш мақсадида.</p> <p><a href="https://oeps.wv.gov anthrax/documents/lhd/Anthrax_protocol.pdf">https://oeps.wv.gov anthrax/documents/lhd/Anthrax_protocol.pdf</a></p> <p><a href="https://www.cdc.gov anthrax/hcp/antibiotics/index.html">https://www.cdc.gov anthrax/hcp/antibiotics/index.html</a></p> <p><a href="https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC10046981/">https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC10046981/</a></p>

А	<p><b>Биохимик:</b> Куйдирги клиник белгилари бўлган беморларда касаллик оғирлик даражасини аниқлаш мақсадида.</p> <p><a href="https://jasulib.org/kg/wp-content/uploads/2022/04/1.Uyshuka-N.D-Infeksya-bol.pdf">https://jasulib.org/kg/wp-content/uploads/2022/04/1.Uyshuka-N.D-Infeksya-bol.pdf</a></p> <p>Инфекционные болезни: национальное руководство / под ред. Н. Д. Юшука, Ю. Я. Венгерова - Москва : ГЭОТАР-Медиа, 2019. - 1104 с. (Серия "Национальные руководства) - ИСБН 978-5-9704-4912-7</p>
С	<p><b>Гематологик:</b> Куйдирги клиник белгилари бўлган беморларда касаллик оғирлик даражасини аниқлаш мақсадида.</p> <p><a href="https://diseases.medelement.com/disease/%D1%81%D0%B8%D0%B1%D0%B8%D1%80%D1%81%D0%BA%D0%B0%D1%8F-%D1%8F%D0%B7%D0%B2%D0%B0/14811">https://diseases.medelement.com/disease/%D1%81%D0%B8%D0%B1%D0%B8%D1%80%D1%81%D0%BA%D0%B0%D1%8F-%D1%8F%D0%B7%D0%B2%D0%B0/14811</a></p> <p>Сибирская язва. // Республиканский центр развития здравоохранения Клинические протоколы МЗ РК - 2016 (Казахстан)</p>

### Куйдирги клиник шаклига кўра намуналарни олиш

**Тери шакли** – қон (серология, ПЗР), яра сақламаси (везикула/пустула, яра ёки қорақўтир тубидан суртма олиш, пункцион биопсия) Грамм усулида бўялади, культура ажратилади, ПЗР ўтказилади.

**Ўпка шакли** – қон (серология, ПЗР), балғам (ҳалқумдан суртма), бронхиал ёки плеврал суюқлик, тўқималар биопсия ва аутопсияси: регионар лимфа тугунлари билан бирга ўпка илдизидан, трахея ва бронхлардан, ҳар иккала ўпканинг периферик ўпка паренхимасидан Грамм усулида бўялади, культура ажратилади, ПЗР ўтказилади.

**Ичак шакли** – қон (серология, ПЗР), нажас, ректал суртма, асцитик суюқлик (перитонеал/қорин бўшлиғи суюқлиги) Грамм усулида бўялади, культура ажратилади, ПЗР ўтказилади .

**Ангиноз шакли** – қон (серология, ПЗР), ҳалқум, тил, муртак безлари ва ҳалқум орқа деворидан суртма (культура ажратилади, ПЗР ўтказилади).

**Бирламчи-тарқалган шакли** - қон (серология, ПЗР).

**Бирламчи-тарқалган шакли** - қон (серология, ПЗР).

**Менингеал шакли** – орқа мия суюқлиги (культура ажратилади, Грамм усулида бўялади, ПЗР).

#### Умумий қон таҳлили:

- <https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC10046981/>

С	Нормо-лейкоцитоз (инфекциянинг тарқалган ҳолатида формуланинг чапга
---	---

силжиши билан қоннинг яллиғланиш реакцияси ривожланади), лимфоцитоз, ЭЧТнинг ошиши.

**Орқа мия суюқлиги таҳлили:**

- <https://diseases.medelement.com/disease/%D1%81%D0%B8%D0%B1%D0%B8%D1%80%D1%81%D0%BA%D0%B0%D1%8F-%D1%8F%D0%B7%D0%B2%D0%B0/14811>
- [https://oeps.wv.gov/anthrax/documents/lhd/Anthrax\\_protocol.pdf](https://oeps.wv.gov/anthrax/documents/lhd/Anthrax_protocol.pdf)

**С** Цитоз, нейтрофил оксил миқдори ортган, Панди реакцияси + + + +

**3.4. Ускунали текширувлар:**

**Кўкрак қафаси органлари рентгенографияси:**

**В** Пневмония ёки ўпка шаклига шубҳа қилинганда

**Қорин бўшлиғи рентгенографияси**

**С** Кучли абдоминал оғриқ синдроми ва қорин бўшлиғида зичлашган ҳосилалар аниқланганда

**ЭКГ:**

**В** Куйдиргининг ҳар қандай клиник шакллари билан оғриган беморларда юрак-қон томир тизимидаги бузилишларни аниқлаш ва даволаш тактикасини хал қилиш мақсадида

**Қорин бўшлиғи аъзолари УТТ:**

**В** Куйдиргининг тарқалган, септик шакли билан оғриган беморларда аъзоларнинг зарарланиш даражасини аниқлаш ва даволаш тактикасини хал қилиш мақсадида

**Люмбал пункция, плеврал пункция**

**В** Куйдиргининг тарқалган шакли ва МНС зараланиш белгилари бўлган беморларда ташхисни аниқлаштириш ва даволаш тактикасини хал қилиш мақсадида

### **Бош мия, қорин бўшлиғи компьютер томографияси**

**В**

Бош мия, қорин бўшлиғи УТТсида номаълум ўчоқли ёки аниқланмаган, бирига қарама-қарши ўзгарган маълумотли беморларда ўтказилади

### **Бош мия, қорин бўшлиғи магнит-ядроли томографияси**

**В**

Бош мия, қорин бўшлиғи УТТсида номаълум ўчоқли ёки аниқланмаган, бирига қарама-қарши ўзгарган маълумотли беморларда ўтказилади

### **3.6. Тор мутахассислар маслаҳатига кўрсатмалар**

**С5**

Менингит белгилари бўлганда – невропатолог маслаҳати

**С5**

Плеврит, пневмония белгилари бўлганда – пульмонолог маслаҳати

**С5**

Қориндаги кучли оғриқлар, асцит, гемоколит, ошқозон-ичакдан қон кетганда – хирург маслаҳати

**С5**

Нафас бузилишлари, полиорган етишмовчиликларда – анестезиолог-реаниматолог маслаҳати

**С5**

Миокардит белгилари қўшилганда – кардиолог маслаҳати

**С5**

Ҳомиладорликда – гинеколог маслаҳати

**Тасдиқланган ҳолат** – беморга “қуйдирги” деб тасдиқланган ташҳис қўйиш қуйидагиларга асосланади: бемордан олинган клиник ашёлардан лаборатория усулида текшириш натижасида (пустуланинг ичидаги суюқлиги, қўтир остидан олинган тўқима суюқлиги, тери ёки эндоскопик птат, ликвор, плеврал суюқлик, балғам, кукун моддалари, нажас) қуйидагилардан камида биттасини аниқлаш:

- қуйдирги культурасини ажратиб олиш;

- полимераза занжир реакциясининг мусбат натижаси;
- серологик реакцияларнинг мусбат натижаси (ИФТ, вестерн блот, токсинни аниқлаш, хроматографик текшириш, флюоресцент антитело усули);

Беморга куйдирги касаллигининг якуний клиник – эпидемиологик ташҳиси куйидаги ҳолатларда ҳам куйилиши мумкин:


- куйдирги касаллиги ўчоғида бирор бир беморда куйдирги касаллиги лаборатория усулида тасдиқланса, битта инфекция манбаи билан эпидемиологик боғлиқ бўлган бошқа беморларга ҳам;

- беморлар учун касаллик кўзгатувчиси манбаи сифатида гумон қилинган ҳайвонда (жасадда), шунингдек унинг маҳсулотлари (хомашёлари)да куйдирги касаллиги лаборатория усулида тасдиқланса;

- куйдиргига гумон қилинган ўчоқда ташқи муҳитдан куйдирги кўзгатувчиси аниқланса;

- куйдирги кўзгатувчиси биологик қурол (биотерроризм) сифатида қўлланилганлиги тасдиқланса.

## КУЙДИРГИ ДИАГНОСТИК АЛГОРИТМИ (схема)



#### 4. Қиёсий ташхис ва қўшимча текширувларни асосланиши:

- <https://diseases.medelement.com/disease/%D1%81%D0%B8%D0%B1%D0%B8%D1%80%D1%81%D0%BA%D0%B0%D1%8F-%D1%8F%D0%B7%D0%B2%D0%B0/14811>
- <https://jasulib.org/kg/wp-content/uploads/2022/04/1.Uyshuka-N.D-Infeksya-bol.pdf>

Белгилар	Куйдирги	Лейшманиоз	Листерия	Йирингли-бактериал инфекция
Қўзғатувчи	<i>Bacillus anthracis</i>	<i>Leishmania tropica</i>	<i>Listeria monocytogenes</i>	<i>Staphylococcus aureus</i>
Инкубацион давр	1-12 кун	3-8 ойдан 1 йилгача	3-45 кун	1-2 кун
Бошланиши	Ўткир	Секин-аста	Ўткир	Ўткир
Эпид.анамнез	Қ/х ҳайвонлари билан контакт, мажбуриятдан мол сўйиш	Москитлар чақиши, табиий ўчоқларда истиқомат қилиш	Гўшт, балиқларни кесиб бўлаклаш	Терининг жароҳатланиши
БТА локализацияси	Қўллар	Бутун тана бўйлаб	Бутун тана бўйлаб	Қўллар ва оёқлар
Интоксикациянинг намоён бўлиши	Яққол	Йўқ	Яққол	Ўртача ёки яққол
Интоксикация давомийлиги	5-12 сут	Йўқ	3-5 сут	2-7 сут
БТАнинг морфологик характеристикаси	Яра қуруқ, ясси	Яранинг туби донадор, “балиқ икриси” симптоми	Доғ-папула	Йирингли пустиула
Микроскопия	Грам +	Лейшмания	Грам +	Грам +
Оғриқлилиги	Йўқ	Йўқ	Ўртача	Яққол
Тери шишиши	Яққол, желесимон	Йўқ	Ўртача	Яққол
БТАда йирингли экссудат	Йўқ	Йўқ	Ўртача ёки яққол	Яққол
Қиз пуфакчаларининг мавжудлиги	Эҳтимол	Йўқ	Йўқ	Йўқ

Флюктуация	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Яққол
Лимфа тугунларининг катталаниши	Ўртача ёки яққол	Йўқ	Ўртача	Ўртача
Лимфангоит	Эҳтимол	Йўқ	Кам ҳолларда	Жуда кўм
Бошқа аъзоларнинг зарарланиши	Эҳтимол	Йўқ	Эҳтимол	Йўқ

## 5. Даволаш

### 5.1. Амбулатор шароитда даволаш тактикаси:

<b>A1</b>	Беморларга амбулатор босқичда даво ўтказилмайди, шошилич госпитализация қилиш зарур
-----------	---

## 6. Кўрсатиладиган тиббий ёрдам турларини инобатга олган ҳолда госпитализацияга кўрсатма:

### а) Режали госпитализацияга кўрсатма

<b>A1</b>	Куйдирги билан касалланган беморлар зудлик билан госпитализация қилинади.
-----------	---

### б) Шошилич госпитализацияга кўрсатма

<b>A1</b>	Куйдиргига шубҳа қилинганда инфекцион стационарга, кўп тармоқли клиниканинг инфекцион бўлимига; Оғир шаклида интенсив терапия ёки реанимация бўлимига шошилич госпитализация қилинади.
-----------	---

Беморни госпитализациядан олдинги босқичда аниқланганда уни вақтинчалик инфекцион изоляторга жойлаштириш, специфик диагностика учун ундан керакли материалларни олиш, даволашни бошлаб, беморни инфекцион шифохонага ёки кўп тармоқли стационарнинг инфекцион бўлимига йўналтириш зарур.

Халқаро тиббий-санитария қоидаларига мос келувчи инфекция аниқланганда беморга кўрсатиладиган ёрдам тактикаси тегишли йўриқнома ва тавсияномалар асосида тузилади.

Куйдирги касаллигига шубҳа қилинган шахсларни аниқлаган тиббиёт ходимлари эпидемиологик анамнез егиши, улар ҳақида Давлат санитария-

эпидемиология ва ветеринария назорати органларига шошилиш ҳабар беришлари шарт.

### **Тиббий ёрдам қуйидаги шаклларда кўрсатилади:**

#### **1. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами:**

- қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар, ихтисослаштирилган марказларда амалга ошириладиган бирламчи шифокоргача бўлган тиббий-санитария ёрдами; унга анамнез еғиш, бемор умумий аҳволини аниқлаш мақсадида кўрик, кўрсатиладиган тиббий ёрдам шакли ва шошилишчилигини ҳал қилиш учун бемор ҳолатини баҳолаш, патогенетик ва симптоматик воситаларни (антисептик ва иссиқ туширувчи воситалар) қўллаш билан бир қаторда номедикаментоз ёрдам киради. Ёрдам кўрсатиш давомийлиги – 1 соатдан ошмаслиги керак.

- қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар, ихтисослаштирилган марказларда терапевт-шифокорлар, участка ва умумий амалиёт шифокорлари (оилавий шифокорлар) томонидан амалга ошириладиган бирламчи шифокор тиббий-санитария ёрдами; у куйдиргининг асосий синдромларини аниқлаш, касалликни оғирлик даражаси, беморни даволаш ва кейинги назорат шарт-шароитларини белгилашга йўналтирилган; қўйилган мақсадларни амалга ошириш усуллари бўлиб ҳисобланади – умумий кўрик, қонни клиник ва биохимик таҳлили, патогенетик ва симптоматик воситаларни қўллаган ҳолда бошланғич даволаш. Ёрдам кўрсатиш давомийлиги – 2 соатдан ошмаслиги керак.

- поликлиника ва юқори технологик ёки бошқа ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатувчи даволаш муассасаларида юқумли касалликлар шифокори томонидан амалга ошириладиган бирламчи ихтисослаштирилган тиббий-санитария ёрдами; у касалликни ташхислаш босқичида бажарилади ва беморни даволаш (инфекцион бўлим, бокс ёки реанимация ва интенсив терапия бўлими шароитларида) ҳамда кейинги назорат шарт-шароитларини белгилашга йўналтирилган. Ёрдам кўрсатиш давомийлиги – 3 соатдан ошмаслиги керак.

#### **2. Тез ёрдам, шу жумладан ихтисослаштирилган тиббий ёрдам:**

Бу Давлат Соғлиқни сақлаш тизими Тез тиббий ёрдам бўлимлари ва муассасалари томонидан тиббий ташкилотлардан ташқарида (тез ёрдам бригадаси, шу жумладан ихтисослаштирилган тез ёрдам чақирилган жойда, шунингдек тиббий эвакуация вақтида транспорт воситасида) тезкор тиббий амалиёт талаб этиладиган вазиятда шошилиш ёки фавқулотда ҳолат шаклида амалга оширилади.

#### **3. Ихтисослаштирилган, шу жумладан юқори технологик тиббий ёрдам:**

Бу ёрдам стационар шароитда кўрсатилиши лозим; унга беморни алоҳидалаш, шу жумладан эпидемиологик кўрсатмаларга кўра изоляция, комплекс текширув, бошқа шифокор-мутахассислар кўриги, куну-тун тиббий назорат ва даволаш, махсус усул ва мураккаб тиббий технологияларни талаб этадиган вазиятда бемор ҳолатини коррекция қилиш, шунингдек тиббий реабилитация киради. Ёрдам кўрсатиш давомийлиги 14-30 кун.

## 7. Стационар даражасида даволаш тактикаси:

### 1) Номедикаментоз даво:

<b>C5</b>	Режим – ҳимояланган (бутун касаллик давомида ётоқ, ярим ётоқ)
	Юмшоқ диета, Певзнер бўйича 13-стол, оғир ҳолатларда эса энтерал-парентерал диетага ўтиш
	Физиотерапевтик даволаш усуллари
	Тана ҳароратини туширишнинг физик усуллари
	Гигиеник тадбирлар

Клиник протоколга Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтмаган дори воситаларининг киритилиши кафолатланган бепул тиббий ёрдам ҳажми ва мажбурий ижтимоий тиббий суғурта тизими доирасида ҳаражатлар ўрнини тўлдиришга асос бўлмайди.

### 2) Медикаментоз даво фақатгина стационар даражада ўтказилади:

[https://oeps.wv.gov/anthrax/documents/lhd/Anthrax\\_protocol.pdf](https://oeps.wv.gov/anthrax/documents/lhd/Anthrax_protocol.pdf)

<b>A1</b>	Куйдиргига шубҳа қилинган беморларни даволаш ва олиб боришда энг муҳим бирламчи қарорлар клиник маълумотлар асосида қабул қилиниши шарт. Дархол бошланган антимиқроб терапия, антимиқроб воситаларига нисбатан сезувчанлик таҳлил натижалари олиниши билан коррекция қилиниши зарур.
-----------	--

## Мухим дори-дармонлар рўйхати (100% фойдаланиш эхтимоли билан)

Фармакотерапевтик гуруҳ	Дори воситасининг ХПН (МНН)	Қўллаш тартиби	Исботланганлик даражаси	Ҳаволалар
Антитоксин	Куйдиргига қарши от иммуноглобулин (АИГИВ), обилтоксаксим аб (Anthim) ва раксибакумаб (Anthrax)	В/и	А	<p>Anthrax. Surveillance and Investigation Protocol. //Division of Infectious Disease epidemiology July 2020  <a href="https://oeps.wv.gov/anthrax/documents/1hd/Anthrax_protocol.pdf">https://oeps.wv.gov/anthrax/documents/1hd/Anthrax_protocol.pdf</a></p> <p>Сибирская язва. // Республиканский центр развития здравоохранения Клинические протоколы МЗ РК - 2016 (Казахстан)  <a href="https://diseases.medelement.com/disease/%D1%81%D0%B8%D0%B1%D0%B8%D1%80%D1%81%D0%BA%D0%B0%D1%8F-%D1%8F%D0%B7%D0%B2%D0%B0/14811">https://diseases.medelement.com/disease/%D1%81%D0%B8%D0%B1%D0%B8%D1%80%D1%81%D0%BA%D0%B0%D1%8F-%D1%8F%D0%B7%D0%B2%D0%B0/14811</a></p> <p>Клинические рекомендации (протокол лечения) оказания медицинской помощи больным сибирской язвой // ФГБУ НИИДИ ФМБА России, ФГБОУ ВО "МГМСУ им. А.И. Евдокимова" Минздрава России.-2016 г.  <a href="https://studfile.net/preview/7901205/page:3">https://studfile.net/preview/7901205/page:3</a></p>
